



**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ ВА БАДИИЙ  
ҲАВАСКОРЛИК ЖАМОАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШИ (XX АСР 60–80-ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)**

**Xurshid Olimovich Egamqulov**

*tarix fani o'qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi*

*Jizzax shahridagi 21-umumiy o'rta ta'lim maktabi*

*E-mail: [jizzax\\_wushu@mail.ru](mailto:jizzax_wushu@mail.ru) тел: 91 208 81 81*

*O'z MU professori, tarix f.d. Ermetov A.A. taqrizi asosida*

**Annotatsiya.**

*Мақолада Жиззах воҳасида фольклор санъати, ашула ва рақс ансамллари ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи таҳлил қилинган. Хусусан, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ҳудудда фольклор-этнографик ансамблларни ташиқил этишига берилган эътибор, уларнинг халқ маданиятини сақлаш ва тарғиб этишидаги ўрни ёритилган. “Жиззах гулдастаси”, “Олтин бошоқ”, “Орзу” каби ансамблларнинг фаолияти, ютуқлари ва республика ҳамда халқаро миқёсдаги иштироки архив манбалари асосида очиқ берилган. Шунингдек, мазкур жамоалар фаолияти орқали ёш авлодни тарбиялаш, миллий санъатни ривожлантириш билан бирга, совет даври мафкуравий сиёсати таъсири ҳам таҳлил этилган. Мақола Жиззах воҳасининг бой маданий мероси ва уни сақлашда санъат фидойиларининг хизматини ёритишига қаратилган.*

**Калит сўзлар:** *Жиззах воҳаси, фольклор санъати, ашула ва рақс ансамллари, бадиий ҳаваскорлик, халқ ижодиёти, этнографик жамоалар, миллий маданият, анъаналар, ижрочилик санъати, маданий мерос, “Жиззах гулдастаси”, “Олтин бошоқ”, “Орзу” ансамбллари, совет даври маданияти, мафкуравий сиёсат, ёшлар тарбияси, театр санъати, гастроль фаолияти, республика танловлари.*

**Аннотация**

*В статье анализируется история формирования и развития фольклорного искусства, песенно-танцевальных ансамблей и коллективов художественной самодеятельности в Джизакском оазисе. Особое внимание уделяется процессу создания фольклорно-этнографических ансамблей с 1960-х годов и их роли в сохранении и популяризации народной культуры. На основе архивных материалов раскрывается деятельность и достижения таких ансамблей, как «Жиззах гулдастаси», «Олтин бошоқ» и «Орзу», а также их участие на республиканском и международном уровнях. Вместе с тем рассматривается влияние идеологической политики советского периода, проявлявшееся через деятельность творческих коллективов и воспитание молодежи. Статья направлена на освещение богатого культурного наследия Джизакского оазиса и значительного вклада деятелей искусства в его сохранение и развитие.*





**Ключевые слова:** Джизакский оазис, фольклорное искусство, песенно-танцевальные ансамбли, художественная самодеятельность, народное творчество, этнографические коллективы, национальная культура, традиции, исполнительское искусство, культурное наследие, ансамбли «Жиззах гулдастаси», «Олтин бошоқ», «Орзу», советская культура, идеологическая политика, воспитание молодежи, театральное искусство, гастрольная деятельность, республиканские конкурсы.

#### **Abstract**

*The article analyzes the history of the formation and development of folklore art, song and dance ensembles, and amateur artistic groups in the Jizzakh oasis. Particular attention is paid to the establishment of folklore and ethnographic ensembles since the 1960s and their role in preserving and promoting national cultural heritage. Based on archival sources, the activities and achievements of such ensembles as "Jizzakh Guldastasi," "Oltin Boshog," and "Orzu," as well as their participation at republican and international levels, are highlighted. The study also examines the influence of Soviet ideological policy reflected in the activities of these creative groups and in the upbringing of youth. The article aims to shed light on the rich cultural heritage of the Jizzakh oasis and the significant contribution of cultural figures to its preservation and development.*

**Keywords:** *Jizzakh oasis, folklore art, song and dance ensembles, amateur artistic activity, folk creativity, ethnographic groups, national culture, traditions, performing arts, cultural heritage, "Jizzakh Guldastasi" ensemble, "Oltin Boshog" ensemble, "Orzu" ensemble, Soviet culture, ideological policy, youth education, theatre art, touring activities, republican competitions.*

**Кириш.** Жиззах воҳаси қадимдан бой маданий мероси, ўзига хос урф-одатлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан ажралиб турадиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳудудда шаклланган фольклор анъаналари, миллий кўшиқчилик ва рақс санъати асрлар давомида халқ ҳаётининг ажралмас қисми сифатида сақланиб келган. Айниқса, термалар, лапарлар, маросим кўшиқлари ва халқ рақслари маҳаллий аҳолининг дунёқараши, турмуш тарзи ва эстетик қарашларини ўзида мужассам этган.

XX асрга келиб, жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, совет даврида халқ ижодиётини ташкиллаштириш, уни маълум бир тизим асосида ривожлантириш ва кенг оммага етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда ашула ва рақс ансамбллари ҳамда бадий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этди. 1960-йиллардан бошлаб Жиззах воҳасида фольклор-этнографик ансамблларнинг кенг миқёсда шаклланиши кузатилиб, улар миллий маданиятни сақлаш ва тарғиб этишда муҳим воситага айланди.

Мазкур мақолада Жиззах воҳасида фольклор санъати ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг шаклланиш тарихи, уларнинг ижодий фаолияти, эришган ютуқлари ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу жараёнларда





маданият ва санъат намояндаларининг ҳиссаси, шу билан бирга, давр мафкурасининг таъсири ҳам илмий жиҳатдан ёритилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. (Literature review).**

Жиззах воҳасида ижтимоий-маданий жараёнларни, хусусан, фольклор санъати ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг шаклланишини ўрганишда турли хил манбалар ва илмий адабиётлар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мавзуга оид тадқиқотларни таҳлил қилиш уларни шартли равишда бир нечта гуруҳга ажратиш имконини беради.

Аввало, ҳудуд тарихи ва ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт тизимининг шаклланишига оид архив ҳужжатлари муҳим манба ҳисобланади. Жиззах вилоятида тиббиёт соҳасининг ривожланиши ва тарихи турли архив материаллари орқали ёритилган бўлиб, илк тиббий муассасалар, шифохоналар, дорихоналар ва фельдшерлик пунктлари ҳақидаги маълумотлар асосан Жиззах вилоят давлат архиви (13-фонд), Ғаллаорол туман давлат архиви (20-фонд), ҳамда Жиззах вилояти Шароф Рашидов туман давлат архиви (289, 301-фондлар)да сақланган. Ушбу манбаларда аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши каби масалалар билан бир қаторда маданий ҳаётга доир айрим маълумотлар ҳам учрайди.

Шунингдек, даврий матбуот материаллари, хусусан, 1976–1988 йилларда чоп этилган “Меҳнат байроғи” газетаси саҳифаларида ҳудуддаги ижтимоий ва маданий ҳаёт, жумладан, бадиий жамоалар фаолияти, турли тадбир ва танловлар ҳақида қимматли маълумотлар ёритилган. Бу эса тадқиқотнинг манбашунослик базасини янада бойитади.

Иккинчи гуруҳни фольклор санъати ва миллий маданиятга оид умумий назарий тадқиқотлар ташкил этади. Ушбу ишларда халқ оғзаки ижоди, анъанавий кўшиқчилик ва рақс санъатининг тарихи, жанрлари ва жамият ҳаётидаги ўрни кенг ёритилган. Бироқ бу тадқиқотларда Жиззах воҳаси мисоли алоҳида, комплекс тарзда кўриб чиқилмаган.

Учинчи гуруҳга совет даврида яратилган илмий-услубий адабиётлар киради. Улар асосан бадиий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва оммавий маданий тадбирларни ташкиллаштириш масалаларига бағишланган. Мазкур манбаларда фольклор жамоалари кўпроқ мафкуравий нуқтаи назардан баҳоланиб, уларнинг аҳолини тарбиялашдаги ролига урғу берилган.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Жиззах воҳасида фольклор санъатининг шаклланиши, унинг халқ орасида оммалашуви ва аниқ ансамбллар фаолиятини комплекс тарзда ўрганишга қаратилган махсус тадқиқотлар етарли даражада эмас. Мавжуд манбалар асосан умумий ёки алоҳида жиҳатларни қамраб олган бўлиб, бу йўналишда чуқур ва тизимли илмий изланишлар олиб бориш заруратини кўрсатади.

**Тадқиқот методологияси. (Research Methodology).**

Тадқиқот олиб бориш жараёнида илмий муаммога цивилизацион ёндашув асосида тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик, объективлик, тизимли таҳлил каби



усуллар ёрдамида Жиззах воҳасида фольклор санъатининг шаклланиши масаласи бирламчи ҳужжатлар таҳлиliga таянган ҳолда атрофлича тадқиқ этилди.

**Таҳлил ва натижалар. (Analysis and results).**

Воҳанинг ўзига хос удум ва анъаналари, халқ фольклори, термалари ва уларнинг гўзал ижрочилик санъати қадим-қадимдан бугунги кунгача етиб келган.

Санъатга бўлган ихлос туфайли воҳада кўплаб ижодий жамоалар шаклланиб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган зиёлилар етишиб чиққан. Шундай бўлгани ҳолда, ашула ва рақс ансамбллари ҳамда фольклор жамоаларини ташкил этишга XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб жиддий эътибор қаратила бошланди.

Бу даврда Жиззах воҳасининг турли туманларида фольклор санъатига бўлган қизиқиш ортиб, “халқ ижодиётини ривожлантириш” мақсадида бир қатор фольклор-этнографик ансамбллар Ўзбекистон ССР Маданият Министрлиги қошидаги мафкуравий масалалар бўйича масъул бошқармаларнинг рухсати билан ташкил этилди. Хусусан, Фориш туманида “Қизил чорвадор” ва “Чўлқувар” [1], Жиззах туманида “Жиззах гулдастаси” ҳамда “Шошмақом” [2], Пахтакор туманида “Гулизор” [3] ва “Замон” [4], Ғаллаорол туманида “Олтин бошоқ” [5], “Орзу”, “Ёшлик”, “Парвоз”, “Кўхинур” [6], Дўстлик туманида “Дўстлик чамани” [7] ва “Интизор” [8], шунингдек, Зомин туманида “Зомин лоласи” [9] каби ашула ва рақс ансамбллари ўз фаолиятини бошлади. Ушбу бирлашмалар маҳаллий фольклор намуналарини сақлаш, тарғиб этиш ва авлодларга етказишда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, “Қизлар гулдастаси”, “Қанғли” маҳалласида “Қалдирғоч” [10], Қўшқўприк, Мўлканлик маҳалласида “Гулёр” [11], Тоқчилик маҳалласида “Дуторчи қизлар” ансамбли [12] ташкил этилди. Шунингдек, биринчи марта кекса онахонлар иштирокида фольклор ансамбллари ҳам тузилди [13].

“Жиззах гулдастаси” ашула ва рақс ансамбли 1967 йили Жиззах (ҳозирги Шароф Рашидов) туманида ташкил этилган бўлиб [14], таркиби қишлоқ ёшлари ва турли касб эгалари бўлган санъатсевар хаваскорлардан иборат эди [15]. Воҳада ансамбль фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришда тажрибали маданият ходимлари катта ҳисса қўшди.

1979 йилда “Биз Жиззахданмиз” ва “Ғунча” телевизион кўрикларида 34 иштирокчи билан қатнашиб, катта муваффақиятга эришди [16]. 1982 йилда Ўзбекистон ССР Маданият Министрлигининг қарорига кўра ансамблга “Халқ ансамбли” мақоми берилди [17]. Кейинги йилларда вилоят кўрикларида 2- ва 3-ўринларни [18], 1986 йилда эса 1-ўринни қўлга киритиб, “Жигули” автомобили билан тақдирланди ва Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди [19].

1980-йилларда ансамбль томонидан Германия, Чехословакия, Тожикистон давлатларига гастрол сафарлари уюштирилди. Ансамбль жамоаси Берлин, Потстам ва Белцек шаҳарларида бўлиб, 10 дан ортиқ репертуар асосида ўз санъатини намоиш қилдилар [20].



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Архив ҳужжатларида келтирилишича, Ш.Шойзоқов, Г.Худойбердиева, З.Ҳамраев, Б.Азимов, Р.Эшонқулов, У.Қодирова, Ж.Мардонова, Ф.Муродова, З.Тожибоева, Ш.Алимова, Г.Зарипова, Д.Одилов каби санъаткор ва ҳаваскорлар ансамбль ижодида фаол қатнашган[21].

Ансамбль таркибидаги К.Солиев репертуарларни янгилаш, “Чашма” фольклор ансамблини ташкил этиш[22] ва Хайробод маданият уйидаги ансамблини ривожлантиришда катта ҳисса қўшди[23]. Қ.Холбоев эса киномеханиклик билан бир қаторда, хушовозлик билан ансамбль фаолиятини бойитди. Хусусан, у Тошкент шаҳрида ўтказилган “Қовун сайли” тадбирида ўзининг ижроси билан қатнашиб, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган эди[24].

Бу даврда Жиззах тумани Маданият уйи қошида ташкил этилган “Катта ашула” оилавий ансамбли Республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди. Ансамбль таркибидаги Аҳмаджон, Сағдулла, Озод ва Равшан Муродовлар ижроси кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди[25]. Натижада жамоа мазкур танловда фахрли 3-ўринни эгаллади[26].

Бастакор Ғ.Холиқовнинг ансамблга қўшилиши ижрочилик сифати ва репертуарнинг янгилашига туртки бўлди. Унинг ташаббуслари асосида ансамбл янги концерт дастурлари билан чиқиш қилиб (1989 йили), томошабинлар эътиборини қозонди[27].

1988 йил давомида “Жиззах гулдастаси” ва “Гуллола” ансамбллари 745 дан ортиқ концерт дастурини намойиш қилдилар. Ансамбль аъзолари – И.Раҳмонова, А.Бойтемиров, Р.Усмонова, Х.Наврўзов, С.Муродов, М.Жўраева, М.Қиличева, О.Маманазаров каби санъаткорлар фидойилик билан меҳнат қилдилар. Ансамбль Тожикистондаги дўстлик кечаларида ва Тошкентдаги кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, вилоят босқичида 37 жанр бўйича 2-ўрин ва “Москвич” автомобили билан тақдирланди[28].

Тадқиқ этилаётган йилларда Жиззахнинг туманларида ҳам ансамбллар ташкил этила бошлади. Хусусан, 1969 йилда Ғаллаорол туманида “Олтин бошоқ” ашула ва рақс халқ ансамбли ташкил этилди. Дастлаб жамоа “Бинафша” ансамбли номи билан машҳур бўлиб[29], Ғаллаорол туман маданият уйи қошида тузилган ва 60 нафар ҳаваскор санъаткорни ўз сафида бирлаштирган[30]. Уларнинг орасида курувчилар, боғбонлар, механизаторлар, ғаллакорлар, тадбиркорлар, талабалар ва мактаб ўқувчилари бўлиб, уларни санъатга бўлган қизиқиш бирлаштирган эди. Шуни қайд этиш жоизки, халқ орасида ҳаваскор санъаткорларни кўпайтириш ҳам ғоя ва мафқурани сингдиришнинг ўзига хос усули бўлиб, бу орқали юқоридан белгиланган режавий репертуарларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1974 йил 4 февралдаги “Бадий ҳаваскорлик санъати бўйича “Марҳабо, талантлар!” Республика телевизион фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Жиззах вилояти партия ижроия кўмитаси томонидан “Марҳабо, талантлар!” номли вилоят телевизион фестивалини ўтказиш тўғрисида



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



қарор қабул қилинди[31]. “Олтин бошоқ” ансамбли ушбу “Марҳабо, талантлар!” республика телевизион танловида иштирок этиб, “Жиззах баҳори” номли рақси ва “О, чамансан, чаман” кўшиғи билан совриндор бўлди[32].

1975 йилда ансамбль вилоят бадий ҳаваскорлар кўригида биринчи ўринни эгаллади. 1977 йилда эса Андижонда ўтказилган республика кўрик танловида фаол иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди[33].

1976 йилда ансамбль Маржонбулоқ шаҳрига асос солиниши муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда иштирок этди. Бу тадбирда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси биринчи котиби Шароф Рашидов иштирок этган ва ансамблни томоша қилиб, жамоа ҳақида фильм-концерт суратга олиш таклифини билдирган[34].

1978 йилда ансамбл ҳақида “Олтин бошоқ куйлайди” номли фильм-концерт суратга олиниб, Москва марказий телевидениесида намоиш этилди[35]. Бу фильм-концерт республика микёсида учинчи бўлиб суратга олинган халқ ансамбли концерти ҳисобланади[36].

Ансамблдаги фидойи санъаткорлар – бадий раҳбар Р.Саримсоқов, мусиқа раҳбари М.Боймирзаевлар жамоанинг юксалишида муҳим ўрин тутдилар. Улар билан бирга Х.Буталов, С.Файзуллаев, З.Абдурахмонова, Р.Саримсоқов, О.Равшанов, М.Муродова, Ҳ.Маматова, З.Фармонова каби истеъдодли ҳаваскорлар ансамблнинг ижодий ривожига катта ҳисса қўшдилар. Ансамбл иштирокчиларининг санъати Ўзбекистон телевидениеси ва “Ўзбектеелефильм” кино студияси томонидан суратга олиниб, “Олтин бошоқ куйлайди” фильм-концерти орқали кенг оммага намоиш этилган эди[37].

1979 йилда ансамбль Ўзбекистон ССР Маданият Министрлигининг 24-сонли қарори асосида “Халқ ансамбли” унвонига сазовор бўлди[38]. Шу йили Жиззах шаҳридаги санъат фестивалида ансамбл жамоаси иккинчи ўринни эгаллади[39].

Ансамблни санъатнинг катта йўлига олиб чиқишда Ғаллаорол туман маданият уйи мудири Ф.Ботиров, ансамблнинг бадий раҳбари Р.Саримсоқов, бадий раҳбарлардан бири М.Боймирзаев ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ёшларга санъат сирларини ўргатган устоз Э.Шукруллаев каби санъат фидойилари катта меҳнат қилишган[40].

Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1979 йили Ғаллаорол туманида 36 та бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолият юритиб, уларда 586 нафар йигит-қизлар санъат билан шуғулланган[41]. Хусусан, “Олтин бошоқ”, “Орзу”, “Ёшлик”, “Парвоз”, “Кўҳинур” каби тажрибали етакчи бадий ҳаваскорлик ансамбллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда 120 нафар ёшлар фаолият кўрсатган[42]. Жиззах шаҳрида ўтказилган вилоят бадий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танловида “Олтин бошоқ” ансамбли биринчи ўринни эгаллайди[43]. 1980 йилда “Олтин бошоқ” ансамбли Москва шаҳри ва Чехословакия давлатига ижодий сафарлар уюштириб, ўзбек санъатини халқаро микёсда намоиш этади[44].

Жиззах воҳасининг яна бир йирик санъат жамоаси – “Орзу” ашула ва рақс ансамбли ҳисобланиб, у ҳам “Халқ ансамбли” унвонига сазовор бўлган. “Орзу” ансамбли



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



телевизион танловларда бир неча бор совриндор бўлиб, Совет Иттифоқи Ёзувчилар, Композиторлар, Рассомлар, Журналистлар ва Кинематографчилар уюшмалари дипломлари билан тақдирланган[45].

Бу даврда Фориш туманида тузилган “Чорвадор” ансамбли ҳамда қирқдан ортиқ бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида 400 дан ортиқ турли соҳа вакиллари билан иборат санъатга қизиқиши юқори бўлган ёш йигит-қизлар ҳам ижодий фаолият билан шуғулланганлар[46].

Дўстлик туманида маҳаллий истеъдодлар салоҳиятини намоён этиш, “оммавий маданий тадбирлар орқали ёш авлодни совет мафқураси руҳида тарбиялаш, халқ санъатининг турли йўналишларини ривожлантириш ва жамоатчиликни ижодий фаолиятга жалб этиш мақсадида “Дўстлик чамани” ансамбли ташкил этилган[47].

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида Жиззах воҳасида илк кичик сахна кўринишлари намоёни этилган бўлса, совет ҳукумати ўрнатилганидан сўнг ҳудудда замонавий театр санъати шакллана бошлади. Маҳаллий аҳоли ташаббуси билан тузилган ҳаваскорлик драма тўғараклари кейинчалик совет давлати томонидан театр труппаларини асос солинишига хизмат қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда жамият онгига таъсир кўрсатишда асосий бўғинлардан бири ҳисобланган театрларнинг партияни ғоявий-мафқуравий қуролига айлантирилиши билан боғлиқ жараён янада кучайтирилди. Хусусан, театрларда қўйиладиган репертуарларни махсус кенгашларнинг муҳокамасидан ўтказилиши, шунингдек, уларга режавий асосда асарларнинг белгилаб берилиши таҳлил этилаётган даврнинг охиригача давом этди.

Жиззах воҳаси ўзининг қадимий ва бой маданий мероси билан ажралиб турадиган ҳудудлардан бири сифатида фольклор санъати анъаналарини асрлар давомида сақлаб келган. Воҳада фаолият юритган маданият ва санъат фидойилари халқ орасида иқтидорли ижодкорларни аниқлаш, миллий ва анъанавий санъатни асраб-авайлаш ҳамда уни келажак авлодга етказишда муҳим рол ўйнаган. Шунингдек, улар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва маҳаллий театр анъаналарини ривожлантиришга йўналтирилган ишларини самарали ташкил этишга интилиб келишган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, воҳада ашула ва рақс ансамбллари ҳамда фольклор жамоаларини ташкил этишга XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб жиддий эътибор қаратила бошланди. Бу ўз навбатида асосан ҳаваскорларнинг ҳисобига амалга оширилган. Аслида, халқ орасида ҳаваскор санъаткорларни кўпайтириш ҳам ғоя ва мафқурани сингдиришнинг ўзига хос усули бўлиб, бу орқали юқоридан белгиланган режавий репертуарларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилган эди.

### **Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).**

Жиззах воҳасида фольклор санъати, ашула ва рақс ансамбллари ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳудуднинг маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ташкил этилган ушбу ижодий жамоалар халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлаш, тарғиб



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



қилиш ва келажак авлодга етказишда самарали фаолият олиб борган. “Жиззах гулдастаси”, “Олтин бошоқ”, “Орзу” каби ансамбллар республика ва халқаро миқёсдаги турли кўрик-танлов ва гастроль сафарларида иштирок этиб, вилоят маданий салоҳиятини намоён этган.

Архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур жамоалар фаолияти кўп ҳолларда давр мафкураси таъсирида ривожланган бўлса-да, улар аҳолини, айниқса ёшларни санъатга жалб этишда ва миллий маданий меросни сақлашда муҳим ўрин тутган. Шу билан бирга, Жиззах воҳаси фольклор санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини комплекс равишда ўрганишга эҳтиёж мавжуд.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифлар илгари сурилади: Жиззах воҳаси фольклор санъати ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари тарихини чуқур ва тизимли ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш; архив ҳужжатлари, оғзаки манбалар ва экспедиция материалларини жалб этган ҳолда манбашунослик базасини бойитиш; фольклор жамоалар фаолиятини ҳудудий ва миллий маданий мерос контекстида қайта таҳлил қилиш; ёш тадқиқотчиларни ушбу йўналишга жалб этиш ва маҳаллий маданият муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш; шунингдек, фольклор санъати намуналарини рақамлаштириш орқали уларни замонавий ахборот технологиялари воситасида кенг тарғиб қилиш.

### АДАБИЁТЛАР

1. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2533-йиғма жилд, 71-варақ.
2. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 1035-йиғма жилд, 11-варақ.
3. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2580-йиғма жилд, 533-варақ.
4. Жиззах вилоят Шароф Рашидов туман давлат архиви, 289-фонд, 1-рўйхат, 137-йиғма жилд, 528-варақ.
5. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 162-йиғма жилд, 45-46-варақлар.
6. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 4-варақ.
7. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2603-йиғма жилд, 11-варақ.
8. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2533-йиғма жилд, 247-варақ.
9. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2616-йиғма жилд, 18-варақ.
10. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 4-варақ.
11. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, ҳужжат саҳифаланмаган.
12. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 32-йиғма жилд, 79-варақ.



13. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 2-варақ.
14. <http://folklore.uz/ashula-va-ra-s-hal-ansambllari-amda-n/>.
15. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 1035-йиғма жилд, 28-варақ.
16. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд, 5-варақ.
17. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 3-варақ.; Ўша жойда, 23-йиғма жилд, 10-варақ.
18. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 23-йиғма жилд, 20-варақ.
19. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 32-варақ.
20. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 15-варақ.
21. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 64, 73-варақлар.
22. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 38-йиғма жилд, 125-варақ.
23. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 147-варақ.
24. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, ҳужжат саҳифаланмаган.
25. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 38-йиғма жилд, 16-варақ.
26. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 3, 33-варақлар.
27. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 3-варақ.
28. Жиззах вилоят Ш.Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 49-варақ.
29. Режиссёр Саидбахром Файзуллаев билан бўлиб ўтган суҳбатдан ёзиб олинди.
30. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд, 16-варақ.
31. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 101-йиғма жилд, 56-варақ.
32. Шаропов Ж. “Олтин бошоқ” ойдin йўлда. Меҳнат байроғи газетаси, 1976 йил 9 июнь, №68 (5590).
33. Хўжамбердиев Т. “Олтин бошоқ фильм концерт суратга олинаётир”. Меҳнат байроғи газетаси, 1977 йил 23 июнь.
34. Режиссёр Саидбахром Файзуллаев билан бўлиб ўтган суҳбатдан ёзиб олинди.



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



35. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 59-йиғма жилд, 9-варақ.
36. Хўжамбердиев Т. “Олтин бошоқ фильм концерт суратга олинаётир”. Меҳнат байроғи газетаси, 1977 йил 23 июнь.
37. Болбеков А. “Маданий хизматга эътиборни кучайтирайлик”. Меҳнат байроғи газетаси, 1977 йил 10 декабр, №148.
38. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 4-варақ.; Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 162-йиғма жилд, 214-варақ.
39. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 72-йиғма жилд, 9-варақ.
40. Сафарова О. “Санъаткорлар ғаллакорлар хизматида”. Меҳнат байроғи газетаси, 1976 йил 29 июнь, №78 (5600).
41. Жиззах ВДА, 20-фонд, 1-рўйхат, 3175-йиғма жилд, 68-варақ.
42. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 4-варақ.
43. Жиззах вилоят Ғаллаорол туман давлат архиви, 20-фонд, 1-рўйхат, 59-йиғма жилд, 8-варақ.
44. Режиссёр Саидбахром Файзуллаев билан бўлиб ўтган суҳбатдан ёзиб олинди.
45. Абдуназаров Ш. “Фестивал яқунлари”. Меҳнат байроғи газетаси, 1988 йил 14 май, №58 (7454).
46. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 1077-йиғма жилд, 17-варақ.
47. Жиззах ВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 1220-йиғма жилд, 13-варақ.

